

Набий алайҳиссалом қадр кечасини эсдан чиқарганларининг ҳикмати



14:10 / 01 апрель 1518

«Лайлатул қадр»ни фақат 27 кечада, деб эътиқод қилиб, охириги ўн кунликнинг бошқа кечаларида ибодатда қоим бўлмаслик, кўпгина хайрдан маҳрумлик аломатидир. Ваҳоланки, қадр кечаси охириги ўн кунликда, ҳар йили ҳар-хил кечада келади. Бир йили 21 да, бошқа йили 23, бошқа йили 25 ёки 27 ёки 29 да келади. Ўша кечалар ичида энг умидворлиги 27 кеча. Аммо бу ундан бошқа кечада келмайди, дегани эмас. Пайғамбаримиз алайҳиссалом у кечани аниқ тайин қилмоқчи бўлганларида жанжаллашиб турган икки киши сабабли эсдан чиқарганларининг ҳикмати ҳам шунда. Яъни, бандалар ялқовлик қилиб бир кечага суяниб қолишмасин. Қадр кечасини барча кечалардан ахтаришсин, деган ҳикматлар ётибди.

Баъзи бир салафлар: «Агар Лайлатул қадрни йил бўйи изланглар, дейилганда, йил бўйи қоим бўлиб қадр кечасини излаб чиққан бўлар эдик. Лекин Аллоҳ меҳрибончилик қилиб, уни фақат охириги ўн кунликдан изланглар, деди», деб марҳамат қилган эканлар.

Бу ёғига биздан фақат шу саноқли ўн кунликда жидду жаҳд қилиш қолади, холос.

Аллоҳ таоло барчамизни фазли карами ила қадр кечасини топадиган, бир кечада минг ойлик ибодат савобини қўлга киритадиган саодатли

бандаларидан қилсин.